

Марказий Осиё интеграцияси ва дезинтеграцияси омилларининг халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини ривожланишида тутган ўрни



Ҳозирда кўпчилик давлатларни, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларни қамраб олган интеграция Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларни ҳам четлаб ўтмади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Марказий Осиёнинг Янги мустақил давлатлари нафақат чегараорти ҳудудларини, балки шу минтақада жойлашган миллийлик билан йўғрилган халқлар тарихини ҳам бирлаштиради. Ҳозирги пайтда бу ҳудудда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда умумий кўринишга эга жараён кўзга ташланади. Шу билан бирга интеграцияга дезинтеграция жараёнининг ҳам ҳамроҳ бўлиши бирдамлик ва марказга интилувчи кучларнинг марказдан четлашувчи кучлар билан ўзаро кураши фалсафий категориясини яна бир бор тасдиқлайди. Бу каби омилларнинг вужудга келиши ўз-ўзидан мазкур минтақада истиқомат қилувчи турли миллатга мансуб аҳолининг ягона ҳудудини барпо этиш истаклари ўта кучлилигидан далолат беради.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади, хўш қандай омиллар Марказий Осиё давлатлари интеграциясини ва айни пайтда дезинтеграциясини тақазо этади? Мавжуд омилларни шартли равишда этник – диний, ҳудудий, сайёҳлик, иқтисодий, жиноий (криминал), экологик, сиёсий, ҳарбий, транспорт-коммуникация омилларига ажратган ҳолда саволнинг хусусиятидан, энг муҳими тадқиқотларимизнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб уларнинг асосийлари хусусида фикр юритишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Этник-диний омил. Марказий Осиё минтақасида истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари бир неча асрлар давомида ягона ҳудудий кенглик-Моварауннаҳрда яшаганлар. Бу жиҳат уларнинг турмуши, маданияти, урф-одати, эътиқоди, уларнинг сўзлашувида ўз аксини топди. Интеграция тарафдорлари этник гуруҳларнинг бирлашуви учун шунинг ўзи етарли деб ҳисоблайдилар. Бу жараённинг негизида XIX аср охирида Турк султонлигида вужудга келган ва кейинчалик ёш турклар томонидан қабул қилинган “пантуркизм” ғояси ҳисобланади. Бу концепциянинг моҳиятини барча туркий халқлар тилларининг бир бирига жуда яқинлиги ва туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг келиб чиқишининг умумийлиги ташкил этади.

Айтиш лозимки, Марказий Осиёда неопантуркизм Собик СССР тарқалиб кетгач айниқса авж олабошлади. Туркменистон ва Ўзбекистон сингари Янги Мустақил Давлатлар ҳатто ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг турк моделидан андозалар олишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Туркиянинг ўзи эса пантуркизм ғоясининг илғор ташвиқотчисига айланди ва ўзини туркийзабон халқларнинг раҳбари, уларнинг салоҳиятли маркази сифатида илгари сурди.

* ТДЮИ “Фукаролик процессуал ҳуқуқи” кафедраси мудири, юридик фанлар доктори.

Кенг доирада пантуркизм бутун Марказий Осиёда бирлашган давлатлар тузилмалари (федерация ёки конфедерация)ни яратишга қаратилди. Бунга далил сифатида большевикларнинг Туркистон ўлкасини миллий давлатларга ажратишдан мақсади туркий халқларни ажратиш ва Марказий Осиёнинг Янги совет давлатларини коммунистик империянинг колонияларига айлантириш эканлиги келтирилди. Қисман, бу тўғри. Бошқа томондан, Янги Мустақил Давлатларнинг Марказий Осиёда умумий давлат тузилмалари сифатида бирлашиши ғоясига ҳозирги замонавий жараёнда ёндашиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам бу ғояни Марказий Осиё минтақаси давлатлари у қадар қўллаб-қувватлашмади. Шу билан бир қаторда Марказий Осиё халқлари учун бу ғоя муҳимлигича қолаверди. Шу ўринда Ўзбекистон бу ҳудуд халқларини сиёсий эмас, балки ижтимоий-маданий бирлашишини назарда тутган эди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган “Туркистон умумий уйимиз” деган шиори Марказий Осиёда истиқомат қилувчи халқларнинг ҳаммаси ҳам бир овоздан маъқулламадилар. Чунки бу шиорга қаршилар Ўзбекистоннинг бундай таклифини “пантуркизмнинг маркази Ўзбекистон қилиб тузатилган янги шакли” деб тушунишиб, ўзларича уни тарғиб қила бошладилар. Хусусан, тожик сиёсатчилари билан словян идеологлари мазкур шиорни ижобий қабул қилинишига салбий таъсир кўрсатдилар. Бунинг асосий сабабини тожиклар билан словянларнинг туркий миллатга мансуб бўлмаганлигидадир, деб изоҳлаш мумкин.

Худудий омил. Янги мустақил давлатлар орасидаги интеграция уларнинг ўтмишида маъмурий-худудий жиҳатдан мураккаб тузилишга эга бўлган ва барқарор бўлмаган давлатлар таркибига киргани билан янада кучаяди (Аҳамонийлар, (Александр Македонский) Искандар Зулқарнайн, Темурийлар, Салавийлар, Юнон-Бактрия, Қанғ, Кушон, Эфтолитлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Туркий қўғонот давлатлари ва бошқалар, феодализм даврида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари). XIX асрнинг охирларига келиб Туркистон ўлкаси аҳолиси Россия империяси таркибида яшарди. 1917 йилги октябрь инқилобидан кейин эса Ўрта Осиё худудида Туркистон АССР, Бухоро Халқ Совет Республикаси, Хоразм Халқ Совет Республикаси, Қирғизистон (Қозоғистон) АССР каби янги давлатлар пайдо бўлди ва охир оқибат улар ягона СССР таркибига бирлашишди. Уларнинг маъмурий-худудий чегараларини белгилаш эса ўтган асрнинг 50-йилларигача давом этди.

Айтиш лозимки, ўтган асрнинг 20 йилларидаги давлатларни миллий-худудий ажратиш бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Совет ҳукумати даврида эса бу муаммолар эътиборсиз равишда марказ назаридан четда қолиб кетди. Мутахассислар фикрига кўра, шу даврга қадар тўпланиб қолган бундай ижтимоий қарама қаршиликлар энергияси ҳозирда портловчи куч билан юзага чиқишга тайёр бўлиб, интеграция жараёнига тўсқинлик қилади.

Хўш, улар қандай муаммолар эди? Туркистон, Бухоро, Хоразм Халқ Республикалари негизида жуда қисқа вақт орасида бир қатор мустақил ёки

автоном тузилмалар шакллантирилиб, улар бир қарашда РСФСР, Қозғистон ва Ўзбекистон таркибига киритилдилар. Шу аснода бу ҳудудда истиқомат қилувчи халқлар “шахсан миллий, мазмунан социалистик” тузумга асосланган давлат сифатида иттифоқ таркибида бирлашиб, токи бу тизим парчаланиб кетгунгача, аниқроғи ўтган XX асрнинг 90 йилларигача яшаб келдилар. Собиқ иттифоқнинг парчаланиши ўз навбатида ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, тожик халқларига ўз миллий давлат тузилмаларида тараққий этишлари сингари улкан имкониятни яратиб берди.

Иккинчи томондан, миллий-ҳудудий тақсимлаш(ажратилиш) шартли равишда ўтказилиб, оқибатлар инобатга олинмаган эди. Статистик маълумотларга кўра 1990 йилда Қозғистон ҳудуди 2,717 млн. кв. км., аҳолиси 16, 7 млн. киши, Ўзбекистон ҳудуди 447,4 минг кв.км., аҳолиси 20,7 млн. киши, Тожикистон ҳудуди 143,1 минг кв.км. ва аҳолиси 5,385 млн. киши, Туркменистон ҳудуди 488,1 минг кв.км. ва аҳолиси 3,7 млн. киши, Қирғизистон ҳудуди 198,5 минг кв.км. ва аҳолиси 4,4 млн. кишини ташкил қилган. Шундай қилиб бу республикаларда аҳоли зичлиги 1 кв.км. ҳисобида олинганда қуйидагиларни ташкил қилади: Қозғистонда- 6,2 киши; Ўзбекистонда- 46,3 киши; Тожикистонда-37,4 киши; Туркменистонда -7,6 киши; Қирғизистонда- 22,3 киши.

Бундай таққослашдан айрим миллатлар кам сонли бўлишига қарамай катта ҳудудни, бошқалари эса кўп сонли бўла туриб кичик ҳудудни эгаллагани кўзга ташланади. Ҳозир миллатларни миллий-ҳудудий тақсимлашда большевиклар қандай ўлчамлардан фойдалангани тўғрисида гапириш ёки баҳс-мунозара юритиш қийин албатта. Чунки ўша даврларда Туркистон ўлкасининг бир қисм аҳолиси ўтроқ бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланган ва кам ҳудудни эгаллаган бўлса, қолган қисми (хусусан қozoқлар билан қирғизлар) чорвачилик билан шуғулланиб, анчагина катта ҳудудни эгаллаб олган эди. Шу сабаб Ўрта Осиёни бундай бўлишдан кейин кўпчилик миллатлар ўз миллий давлатлари ҳудудидан ташқарида қолиб кетдилар. Агар бу борада статистик маълумотларга кўз ташлайдиган бўлсак, унда қуйидагиларни кўришимиз мумкин: фақат ўзбек миллатига мансуб бўлганлар Тожикистон ҳудудида- 24,4 % ни, Қирғизистонда- 13,8 % ни, Туркменистонда -9 % ни, Қозғистонда- 2,5 % ни ташкил этса, Ўзбекистоннинг Тошкент ва Жиззах вилоятларининг кўпчилик аҳолисини қozoқлар, Хоразм вилоятининг кўпчилик аҳолисини эса туркманлар ташкил этишини кўриш мумкин. Бир қарашда саволнинг бу қадар кўндаланг қўйилиши дезинтеграцияга асос бўла олмайди. Айниқса, Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Иттифоқ тарқалиб кетгандан кейин чегара ва маъмурий ҳудудларнинг дахлсизлиги тўғрисидаги фикрларини инобатга олсак. Аммо, бу борада расман бўлмасада, баъзи сиёсатдонлар шунга ўхшаш фикрларни “ўзларининг шахсий дунёқарашлари” деган иборалар орқали ахён-ахён оммавий ахборот воситаларида ёритиб туришади. Сир эмаски, айрим норасмий тожик сиёсатчилари- Самарқанд ва Бухоро, Туркман сиёсатчилари –Хоразм сингари ўзбек шаҳарларига дахл қилиб туришади. Барчамизга маълумки, Собиқ иттифоқ парчаланмасидан олдинроқ, 80-

йилларнинг охирларида Қирғизистоннинг Ўзган ва Ўш шаҳарларида қирғиз ва ўзбек миллати вакиллари орасида ер-сув ресурсларининг танқислиги, ҳамда ҳудудий тегишлилик масалаларида миллатлараро тўқнашувлар келиб чиққан эди.

Ҳозирга келиб Марказий Осиёда ташкил топган мустақил давлатларнинг ҳар бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб, мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш мақсадида иқтисодий интеграция жараёнига интилишмоқда. Лекин шунга қарамасдан ахён-ахёнда бўлсада, қозоғистонлик сиёсатшуносларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида, гўёки: “Марказий Осиёда интеграция юз бергудек бўлса, Ўзбекистондаги ер-сув ресурсларининг танқислиги ва туғилишнинг юқори даражаси бу республика аҳолисининг бундай ресурсларга етарлича бой бўлган қўшни давлатларга эътибор қаратишга мажбур қилади. Бундай ҳолда ўзбекларнинг Туркманистон ва Қозоғистон ҳудудига кучли миграцияси бошланади, оқибатда бу минтақада ижтимоий портлаш вужудга келади”, деган асоссиз фикрларни илгари суриб, демографик жиҳатдан хавфли бўлган давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий соҳада интеграциялашувга қарши чиқадилар.

Айтиш жоизки, Қозоғистоннинг ўзи давлатни икки қисмга ажратиш мумкин бўлган турли хил қарашларнинг таъсиридадир: жанубий ҳудудларда истиқомат қилувчи қозоқ тилида сўзлашувчилар ҳамда шимолий ҳудудларда истиқомат қилувчи русий забон аҳоли. Маълумки, мамлакатнинг шимолий ҳудудида саноат анчагина ривожланган бўлиб, улар Иттифоқ давридаёқ Россия Федерацияси ҳудудлари билан ишлаб чиқариш технологиялари ва иқтисодий-тижорат алоқаларини чуқур ўрнатишга эришган эди. Ҳозирги кунга келиб Қозоғистоннинг шимолий ҳудудларида сепаратизм хавфининг пайдо бўлиши кўзга ташланмоқда. Агар жараён давом этаверадиган бўлса, бу хавф шунчаки тус олмасдан, балки жамият учун ўта оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи реал хавф сифатида миллатлар ўртасида ўзаро келишмовчиликларни келтириб чиқариши, ҳаттоки бундай можароларга қарши давлат раҳбарлари томонидан ҳарбий куч ишлатиш хавфини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Миллий геополитик аҳволнинг иккинчи жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсак, унда этник омил жиддий “қурол” бўлиб хизмат қилиши мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кўпчилик халқлар “этник ватанларидан” четда қолиб кетишган бўлсаларда, аммо бу билан улар ўртасидаги алоқалар риштасини узилган деб бўлмайди. Улар гарчи ўзлари туғилиб ўсган юртларидан йироқда бўлсаларда, ҳали хануз мамлакатнинг қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи ҳокимият органлари орқали “тарихий давлат”нинг у ёки бу масалаларини ҳал этишга жиддий уринишлари мумкин. Ўз навбатида давлат бундай этник қатламни моддий, молиявий ва иқтисодий ёрдамлар билан таъминлаб туради. Сайлов органлари орқали эса бу “этник курашчилар” “ватан” учун манфаатли бўлган қонун ва норматив ҳужжатларни қабул қилинишига эришади. Шу усулда Марказий Осиё минтақасида раҳбарлик қилишни хоҳлаган ҳар қандай давлат фойдасига “этник қатлам” хизмат

килади. Бу усулдан Хитой Халқ Республикаси аллақачон фойдаланиб улгурган кўринади. Чунки бу давлат Қозоғистон Республикаси ҳудудига визасиз кириш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳозирги кунга келиб бу давлат ҳудудида мигрантлар дарҳол жойлашиб, ҳудудни ўргана бошладилар. Молиявий жиҳатдан яхши таъминланганлиги уларга барча ҳўжалик ва сиёсий тузилмаларга кириб бориш имконини яратиб бермоқда. Ҳозирда бошланган бу жараённинг натижалари эса бугун эмас, балки бир неча ўн йилликлардан кейин аён бўлиши мумкин.

Шу ўринда Қозоғистон пойтахти жанубий Олма-Ота шаҳридан шимолий худдуда жойлашган Остона шаҳрига нима сабабдан кўчирилганлиги аён бўлади. Қозоғистон Республикаси раҳбариятининг фикрига кўра бир пайтнинг ўзида Россия Федерацияси билан алоқалар янада мустаҳкамланади, қайсики бу орқали Божхона иттифоқига аъзо бўлиш билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топади. Бундай тузилмаларда иштирок этишдан нафақат иқтисодий натижаларга эришиш, балки сиёсий манфаатдорлик ҳам яққол кўзга ташланади.

Масалага бошқа томондан ёндашганимизда, Қозоғистон Республикасининг Марказий Осиё давлатларининг ягона мақсад йўлида иқтисодий интеграциялашув истагини ҳам рад эта олмаслигини кўриш мумкин. Чунки интеграция Қозоғистонни сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаб қолмасдан, балки жанубий ҳудудини иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Агар биз муаммога ўта синчковлик билан қарайдиган бўлсак, Янги Мустақил Давлатлар раҳбарларининг ҳар галги расмий учрашувларида чегараларнинг дахлсизлиги ва сепаратизмнинг ҳар қандай шакл ва кўринишлари сўзсиз қабул этилиши мумкин эмаслиги, акс ҳолда улар бостирилиши тўғрисида музокаралар олиб борилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, Қирғизистон ва Қозоғистон 1991 йилнинг охирларига келиб мавжуд давлат чегара ҳудудларининг дахлсизлигини таъминловчи икки томонлама халқаро шартномаларни имзолашга эришгандилар. Бир томондан, Марказий Осиёда геополитик жиҳат борасида ҳудудий масалалар илгари сурилмаслиги тасдиқланса, иккинчи томондан, Туркманистон ва Ўзбекистон бундай қадамларни рад этишмоқда. Агар Туркманистон билан Ўзбекистон Республикасининг раҳбарлари бундай йўл тутсалар, интеграцияга қарши томонлар чегаралар қачон бўлмасин, бари бир ўзгаради дейишлари учун асос пайдо бўлади. Қолаверса, 1999 йилга келиб Туркманистон Республикаси МДХ давлатлари доирасида визасиз (махсус рухсатномасиз) ҳаракатланиш тартиби (режими)дан чиқди. Шундан сўнг Ўзбекистоннинг Бухоро ва Хоразм вилоятларининг Туркманистон билан чегара ҳудудларида яқин яшайдиган аҳолисидан ташқарилари визасиз ҳаракатланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. Вазиятнинг бундай кескин тус олиши Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларнинг аксарият кўпчилигига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Натижада Қозоғистон

Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида чегараларни делимитация қилишни келтириб чиқарди¹.

Иқтисодий омил. Умумий халқ хўжалиги тизимида асосланган собиқ иттифокнинг тарқалиб кетиши Янги Мустақил Давлатларнинг иқтисодий, молиявий, ишлаб чиқариш, ишчи кучи ресурслари салоҳиятининг заиф томонларини яққол кўрсатиб қўйди. Бу ўз навбатида Марказий Осиё давлатларининг нотекис иқтисодий тараққиётида ўз аксини топди. Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида давлатлар ўзаро қарама – қарши йўллардан бора бошлашди. Бу эса ўз навбатида Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашувини эмас, балки дезинтеграциялашувини келиб чиқишига асосий сабаблардан бири сифатида кўзга ташланди².

Дезинтеграция Марказий Осиё давлатлари доирасида хомашёни қўлга киритиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулот бозорини ташкил этиш борасида намоён бўлади. Шунингдек Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлик қилишига бўлган ҳаракати ҳам бунга хизмат қилди. Жумладан, Қозоғистон Республикасида Марказий Осиё давлатлари орасида раҳбарлик қилиш ҳиссиёти бошқа давлатлардагига нисбатан бир мунча кучлироқ эканлиги сезилиб турди. Бундан кўзланган асосий мақсад, агар Қозоғистон Республикаси мазкур минтақада раҳбарликни қўлга киритган тақдирда, энг аввало ўз давлатининг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш учун ислохотларни изчил давом эттириши, маҳсулот, товар ва хизматларнинг баҳосини белгилаши, қўшни давлатлар билан муносабатда сиёсатни белгилаши мумкин эди. Туркменистон эса ўз навбатида интеграциялашув жараёнида юз бераётган ҳодисаларни четдан кузатиб, минтақада ягона иқтисодий сиёсат юритилишидан токи 2007 йилгача бўлган давр мобайнида ўзини четга олиб турганлиги яққол сезилиб турди. (Бу асосан Туркменистон Республикасининг собиқ Президенти С.Ниязовнинг вафотигача бўлган даврни ўзида қамраб олади).

Таҳлиллар шундан далолат берадики, Туркменистон интеграциянинг оқибатларидан чўчигандек эди. Чунки анча қолоқ иқтисодга эга бу давлат Ўзбекистон ва Қозоғистон таъсирига тушиб қолиб, Собиқ Иттифок доирасида бўлганидек фақатгина хомашё базасига айланиб қолиши мумкин эди. Бундан ташқари, Қозоғистон ва Ўзбекистон газ экспорти бўйича рақобатчи бўлиб, унинг баҳосини белгилашда Туркменистон манфаати эътибордан четда қолиши муқаррар эди. Молиявий томондан эса Марказий Осиёдаги Янги Мустақил Давлатлар Туркменистонга жиддий инвестиция киритишга қодир эмас. Шу ва бошқа бир қанча сабаблар туфайли Туркменистон ҳозирга қадар Марказий Осиёнинг минтақавий

¹ “Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нуктаси тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори 30.08.2001 й. 273-II-сон 17-сон, 119-модда.

² “1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 10-сон, 538-модда // Биринчи марта “Халқ сўзи” рўзномасида 14 октябрь 2006 йил нашр этилган, расмий нашр этилган кундан сўнг кучга кирган. // Ўзбекистон Республикасининг 13.10.2006 й. ЎРҚ-61-сонли Қонуни билан тасдиқланган.

интеграциялашув ҳамжамиятига аъзо эмас³. Аммо ҳозирги кеча кундузда Туркменистон Республикаси Президенти Г. Бердимухамедов томонидан олиб борилаётган сиёсат минтақадаги Янги Мустақил Давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни қайта йўлга қўйишлари учун қулай имкониятлар яратишга киришганлигидан далолат бермоқда.

Айтиш тўғри бўлардики, замонавий интеграция зарурияти Янги Мустақил Давлатлар орасидаги технологик, хўжалик ва савдо алоқаларининг сезиларли даражада сусайгани туфайли шарт бўлиб қолганди⁴. Шундай қилиб яқин ўтмишда Ўзбекистон ўз ишлаб чиқаришида Тожикистоннинг 58 соҳаси маҳсулотларидан фойдаланар ва Тожикистонга 78 соҳага мўлжалланган маҳсулотларни тақдим этарди. Бундан ташқари Туркменистондан 43 соҳа маҳсулотини олиб, 62 соҳа учун маҳсулотни тақдим этарди. Қирғизистонга нисбатан бу рақамлар 56 ва 54 соҳани ташкил этарди. Шунга ўхшаш вазият Ўзбекистон ва Қозоғистон орасида мавжуд эди. Бу илгари ўрнатилган муносабатларнинг, кооперация ва ихтисослаштириш тизимининг йўқ бўлишига олиб келди. Эксперт кўрсаткичларига кўра бунинг натижасида 1992-1995 йиллар Марказий Осиёда ишлаб чиқариш саноати 2/3 қисмга қисқарди. Мутахассислар фикрича тўлиқ изоляция ҳолатида Қозоғистон ўз якуний маҳсулотининг 1/4 қисминигина ишлаб чиқара олади, Россия эса 2/3 қисми атрофида.

Шу сабабдан Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий интеграциялашувига зарурат туғилди. Ҳатто ҳозирдаёқ Марказий Осиё доирасида у ёки бу давлатнинг муайян соҳага ихтисослашгани аниқ кўзга ташланмоқда. Масалан, Ўзбекистон машина ишлаб чиқарувчи давлат сифатида намоён бўлмоқда, унинг машиналари шу ҳудуд шароитига мослаштирилган бўлиб, Марказий Осиё давлатларининг барчасида қўлланилиши мумкин. Қозоғистон эса ривожланган қора металлургияга эга. Бу икки янги мустақил давлатлар, шунингдек турли кимёвий маҳсулотларнинг етказиб берувчиси бўлиб ҳам ҳисобланадилар.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамжамиятдаги ўрнини айрим ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичларга қараб белгиласа бўлади. Масалан, 1995 йил боши Ўзбекистон аҳолиси сони Марказий Осиё аҳолиси умумий сонининг 41 фоизини, (жумладан шаҳарда 36%, қишлоқларда 45%), меҳнат ресурслари – 39 %, ишлаб чиқарилган миллий даромад 32 %, асосий фондлар – 31% (ишлаб чиқариш – 30 %, ноишлаб чиқариш – 32 %), ишлаб чиқариш соҳасига

³ “Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида “Марказий осий ҳамкорлиги” ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори 05.04.2002 й. 365-II-сон10-сон, 72-модда.

⁴ “2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евросий иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 10-сон, 539-модда // Биринчи марта “Халқ сўзи” рўзномасида 14 октябрь 2006 йил нашр этилган, расмий нашр этилган кундан сўнг кучга кирган. // Ўзбекистон Республикасининг 13.10.2006 й. ЎРҚ-62-сонли Қонуни билан тасдиқланган; 2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евросий иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 10-сон, 540-модда // Биринчи марта “Халқ сўзи” рўзномасида 14 октябрь 2006 йил нашр этилган, расмий нашр этилган кундан сўнг кучга кирган. // Ўзбекистон Республикасининг 13.10.2006 й. ЎРҚ-63-сонли Қонуни билан тасдиқланган; Марказий Осиё ҳамкорлиги” Ташкилотининг Евросий иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й. 4-сон, 154-модда // Биринчи марта “Халқ сўзи” рўзномасида 3 апрель 2007 йил нашр этилган, расмий нашр этилган кундан сўнг кучга кирган. // Ўзбекистон Республикасининг 02.04.2007 й. ЎРҚ-81-сонли Қонуни билан тасдиқланган.

доир қуйидаги кўрсаткичлар давлатнинг ҳудуддаги ҳиссасини кўрсатади: саноат маҳсулотлари – 33 %; халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш – 33 %; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – 34 % (ўсимлик дунёсига тегишли – 42 %, ҳайвонот дунёсига тегишли – 26%); капитал қўйилмалар – 30%; чакана товар обороти – 36 %; халққа пулли хизмат кўрсатиш – 33 %; пулли даромадлар – 35 %; мактабда ўқувчилар сони - 43%; ўрта ўқув юртларида – 42 %; ва Олий ўқув юртларида – 43 %; мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони – 46 %; врачлар – 40 %; кутубхоналар сони – 35 %; театрларга ташриф буюриш – 39 %; республикага маҳсулот киритиш – 58 %; республикадан маҳсулот олиб чиқиш (экспорт билан бирга) – 34%. Бу кўрсаткичлар 2007 йилга келиб тубдан ўзгарди, биргина аҳоли сони қарийиб 27 миллионга етишди. Ҳар бир квадрат километрга 58,1 киши тўғри келади.

Ўзбекистонда иқтисодийни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, уни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодийнинг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлиги, инфляция даражасининг пасайиши, аҳолининг иш билан бандлиги ва турмуш даражаси ошиши таъминланаётганлиги боис 2007 йилга келиб республиканинг ялпи ички маҳсулоти 9,5 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 12,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш- 6,1 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш- 20,6 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажми 15,7 фоизга ўсди. Экспортнинг юқори даражада (40,7 фоизга) ўсиши ҳисобига тўлов балансининг барқарорлиги ва мамлакат олтин-валюта захирасининг ўсиши таъминланди.

Бундай иқтисодий ўсишга эришишда, авваламбор, кенг кўламли тизимли бозор ислохотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётганлиги принципиал аҳамият касб этди.

Иқтисодий эркинлаштириш натижасида биргина 2000-2007 йиллар мобайнида даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, яъни фермерлар учун ягона солиқ 10 фоизга туширилди. Натижада 2007 йилга келиб хўжалик субъектлари солиқ имтиёзлари берилиши ҳисобидан ўз молиявий ресурсларини қўшимча равишда 830 миллиард сўмга тўлдиришга эришганликлари маълум бўлди.

Мамлакатда монополияга қарши изчил сиёсат олиб борилиши натижасида сўнгги ўн йил мобайнида монополист корхоналар сони 3,5 баробар, монопол маҳсулотлар тури эса 26 баробар қисқарди. Фақат 2004-2007 йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида монопол маҳсулотлар улуши 26 фоиздан 21 фоизга тушди.

2007 йили экспорт ҳажмининг ўсиш суръати 40,7 фоизга ортиб, и мпортга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Бу ўз навбатида йил якунлари

бўйича ташки савдо айланмасида 3,5 миллиард доллардан ортиқ миқдорда ижобий сальдога эришиш ва олтин-валюта захираларини 1,5 баробар кўпайтириш имконини яратди. Бундай имкониятларнинг яратилиши ўз натижада биргина 2007 йилда мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 23 фоизга ортишига ва пировард натижада 4,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги маблағни ташкил этди.

Саноат, қурилиш, коммуникация ва хизматлар соҳасида изчил ўзгаришларнинг юз бериши натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 25 фоизни, хизматлар соҳасининг ҳиссаси 43 фоизни, кичик бизнеснинг улуши эса 46 фоизни ташкил этди⁵.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки Ўзбекистон ҳудуддаги раҳбарий ўринлардан бирини эгаллайди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Марказий Осиёда рўй бераётган интеграция жараёнларининг тўлиқ маънодаги “**йўлбошчиси**” бўлиши мумкин.

Буни биз биргина юқорида келтирилган статистик маълумотларда эмас, балки интеграция жараёнларининг оқсоқланишига сабаб бўлувчи муаммоларни бартараф этишда ўз ғоялари, таклиф ва мулоҳазалари билан фаол иштирок этиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Евроосий иқтисодий ҳамкорлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби харқаро ҳамжамиятларга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокидаги анжуманларда қилган маърузаларида ҳам кўришимиз мумкин⁶.

Экологик омил. Собиқ Иттифок давридаги меҳнат тақсимоти ва тор доирадаги ихтисослаштиришдан Марказий Осиё давлатларига Орол фожеаси мерос бўлиб қолди. Сув ресурсларидан оқлона фойдаланмаслик натижасида ички денгизнинг қуриши бир қатор жиддий экологик муаммоларни, жумладан, йирик майдонларнинг қишлоқ хўжалигига яроқсиз бўлиши, ҳосилдорликнинг камайиши, чўллашиш жараёнининг тезлашуви, сув ва озик-овқат билан таъминланишдаги қийинчилик, ўлимнинг юқори даражаси (ёш болалар ўлими) ва аҳоли ўртасида касаллик тарқалишининг юқори даражасини келтириб чиқарди. Айниқса бу муаммо тўғридан-тўғри Қозоғистон ва Ўзбекистонга ва қисман Туркманистон ҳамда Қирғизистонга тегишлидир. Айнан шу жиҳат давлатлар раҳбарларини Орол фожеаси муаммосини ҳал этишнинг умумий принциплари ва усуллари топишга ундади. Бугунги кунда бу борада эришилган ютуқ тўғрисида гапиришнинг иложи бўлмаса-да, бироқ айтиш керакки, Орол билан боғлиқ экологик муаммо аллақачон Марказий Осиё халқларини қамраб олишга улгурди. Оролни қутқариш халқаро фонди, «ЭКОСАН» фонди тузилди, сувни қайта ишловчи дунёвий технологиялар жалб этилди, халқаро ташкилотларнинг эътибори бу ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни тубдан яхшилашга қаратилди.

⁵ И.А.Каримов.Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош максадидир.//Туркистон.2008-йил 9-февраль, № 11 (15130).

⁶ Қозоғистон Республикаси билан икки томонлама маҳсулот айирбошлашни ошириш бўйича интеграциялашув жараёни ва чоратadbirlарни амалга ошириш тўғрисида. 25.04.2006 й. ПК-332. ОМ палаталари Ахборотномаси 2006 й. 4-сон 210-модда.

Транспорт – коммуникация омили. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш шу ҳудудда транспорт коммуникацияларини тараққий эттиришни тақозо этади. Бундан кўзланган асосий мақсад минтақадаги янги мустақил давлатларнинг транспорт коммуникациялари дунё денгиз портлари билан боғлаш имкониятини таъминлаши керак эди. Ўлкадаги давлатларнинг географик жойлашуви (тузилиши) уларга дунё денгиз портига чиқиш учун камида бир давлат ҳудудини кесиб ўтишни (Ўзбекистон эса камида икки давлат) тақозо қилади. Тан олиш керакки, Собиқ Иттифоқ қулагач ҳўжалик алоқаларининг узилиб қолиши, сиёсий жихатдан эса Россия орқали юкларни ўтказишдаги қийинчиликлар Марказий Осиё давлатларини 1991 йил сўнгидаёқ бошқа йўлларни қидириб топишга ундади. Обьектив томондан бу ўз савдо-иқтисодий алоқаларини тўла ҳуқуқли мустаҳкамлаш билан тушунтирилса, охир-оқибат давлатларнинг ўз иқтисодиётини тараққий эттириш билан боғлиқ эди.

90-йиллар бошидан Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатлари Эрон, Покистон ва Хитойдаги жанубий ва шарқий денгиз портларига чиқувчи янги йўлларни ишлаб чиқа бошладилар. Шу мақсадда Марказий Осиё давлатларини Эрон билан боғловчи Ташош – Серакс – Машхад темир йўл тармоғи қурилди. Транскавказ йўлаги – янги транспорт йўли ишлаб чиқилди ва улар бу давлатларни Европа ва Осиё коммуникация тизимига киришини таъминлади.

Шу ўринда бу соҳадаги интеграциялашув жараёнлар Туркменистоннинг янги позицияга ўтиб олиши, яъни мамлакат ҳудудидан транзит усулида ўтувчи юк тарифларини бу борада имзоланган ҳужжат бўлишига қарамай кўтариб юбориши охир оқибатда муаммони янада чигаллаштириб юборди. Орадан бир оз вақт ўтгач Туркменистон томонлар илгариги келишувга риоя этишларини тасдиқлаб имзолаган ҳужжатни имзолашдан ҳам бош тортди. Россия ва Эроннинг таъсирида эса Транскавказ йўли ҳам оқсай бошлади. Туркменистоннинг ўзбек юкларига транзит таърифини 50 % га камайтириш тўғрисидаги битимга риоя этмаслиги ва 20 % қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) ҳамда Озарбайжон томонидан 20 % солиқ солиниши ўзбек юкларининг баҳоси қарийиб тўрт баробар ошишига олиб келди. Шу боис 1999 йилга келиб Туркменистон ҳудудидан ўтувчи йўллар орқали 150 минг тонна юк ўтказилди, бу эса 1998 йилда амалга оширилган умумий ташилган юкка нисбатан икки баробар кам эди. Худди шу пайтда Қозоғистон ва Россия Ўзбекистонга Туркменистонга қараганда бирмунча қулай имтиёзларга эга бўлган транзит режимида асосланган шимолий маршрутни таклиф этишди.

Бошқа томондан, Туркия ўз лойиҳалари орқали Марказий Осиё давлатларига таъсир этишга ҳаракат қилади. Масалан: 2000 йилнинг апрелида Урганч шаҳрида янги “авиатерминал”нинг очилишида Туркия транспорт вазири Онис Оксўз таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Туркияни нафақат маданий удумлар, тил боғлайди, балки Буюк Ипак Йўли ўрнатган коммуникацияни ҳам боғлайди. Туркия делегацияси бошлиғи фикрини қуйидагича изоҳлайди: «Биз ўзбек самолётларига кўпроқ ҳаво йўлакларини

тақдим этамиз ва давлатимизнинг барча аэропортларини очамиз», деб жаноб Оксўз қўшма корхоналар очиш ва янги коммуникацияларни тараққий этиш орқали ҳамкорликни мустаҳкамлашга чақирди. Жумладан, у Туркия ҳозирги кунда Буюк Ипак Йўли йўналишида темир йўл ўтказиш лойиҳасини амалга оширишга киришганини айтиб ўтди. Бу лойиҳани бажариш 5 йилга мўлжалланган бўлиб, у ХХI-аср бошидаги Туркиянинг иқтисодий томондан йирик манфаатларини кўзловчи лойиҳа ҳисобланади. Чунки кейинчалик юклар Европадан Кавказ, Марказий Осиё ва Хитойга шу йўл орқали ўтади, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат ҳозирга келиб, дунё денгиз портларига чикувчи автомобиль ва темир йўл магистралларининг қурилиши Марказий Осиёда транспорт коммуникацияларини тараққий этиш сингари иқтисодий аҳамият касб этишдан секин-аста сиёсий аҳамиятга эга бўла бошлади, қайсики бу муаммо ҳудуддаги давлатлардан ташқари замонавий дунёнинг ҳукмрон давлатларини ҳам жалб эта бошлади. Бу омил Марказий Осиё давлатларининг таранспорт-коммуникациялари лойиҳаларини рўёбга чиқаришда аниқ ҳаракатлар қилишга ундади. Ўзбекистон эса ўз ҳаракатларини, жумладан, миллий давлат манфаатларини рўёбга чиқаришга қўшимча тўсқинлик қилувчи нохуш ҳолатларнинг олдини олишга бор ички имкониятларини сафарбар қилди.

Маълумки халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқ тизимида юридик фаннинг бир тармоғи сифатида тан олинган алоҳида соҳа ҳисобланади. Фаннинг бу соҳаси халқаро доирада юз берадиган хусусий, яъни фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан тартибга солинадиган, шунингдек оила ва меҳнат муносабатларини ўз ичига камраб олади. Ушбу муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишининг тартибга солиниши ҳамда низо чиққан тақдирда уларнинг ҳал қилиниши ўзига хос хусусиятларга эга. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида (1158-м.) халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар “Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар” сифатида таърифланади. Аммо биргина шундай фикр билан чекланиб қолиш, бизнинг назаримизда халқаро хусусий ҳуқуқ фанининг тушунчаси ва мазмунини тўла очиб бераолмайди. Чет Эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг кенг тарқалган кўринишларда бўлиши, чет эл ҳуқуқи субъектларининг турли давлат фуқаролигига мансуб бўлиши, объектларнинг турли давлатлар ҳудудида жойлашган бўлиши, ушбу муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун асос бўлган юридик фактларни муайян мамлакат ҳуқуқи орқали баҳолаш, низоларни муайян ҳудудда ва ўз вақтида олдини олиш, бартараф қилиш, ҳал этишни талаб қилади.

Хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг мураккаблашишида баъзи халқаро шартномалар алоҳида ўрин эгаллайди. Булар қаторига, 1928 йилги Бустаманте Кодекси (халқаро хусусий ҳуқуқ Кодекси), 1980 йилги Халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги БМТнинг Вена Конвенцияси, 1988 йилги Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги Конвенция, Халқаро ҳаво

йўлларига тегишли баъзи қоидаларни бирхиллаштириш тўғрисидаги 1929 йилдаги Варшава Конвенцияси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан бўладиган муносабатларида халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбаи сифатида халқаро шартномаларнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Халқаро шартномада олдиндан ўз ифодасини топган нормалар давлатлар ўртасидаги муносабатларда ички давлат қонунларига нисбатан кўпроқ қўлланилади.

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган Қонунда⁷ мужассам топган қоидалар халқаро шартномалар тўғрисидаги 1969 йилда қабул қилинган ва 1995 йил 24 февралда Ўзбекистон қўшилган Вена конвенциясига ва давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, шунингдек халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1986 йил Вена конвенциясига асосланади.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг биринчи кунларидан эътиборан халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқий асосларини шакллантира бошлади. Бундай эътибор биринчи галда халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилди. Масалан, 1991 йил 14 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги ва 1991 йил 14 июндаги "Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонунлари бунга яққол далилдир. Биринчи қонунда асосан ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий қоидалари ва бу фаолиятни амалга оширишнинг тартиби белгиланди. Иккинчи қонунда асосан чет эл инвестицияларини ривожлантиришни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва ташкилий масалалари белгилаб берилди. Ушбу қонунлар ва бошқа муҳим қонун ҳужжатлари Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатлар соҳасида халқаро шартномалар тузиши учун ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Украина, Франция, Грузия, Саудия Арабистони, Туркия Жумҳурияси, Россия Федерацияси, Словакия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Туркменистон, Қирғизистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Чехия Республикаси ва бошқа кўп давлатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузди. 1993 йил 22 январда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Конвенция қабул қилди. Ушбу Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил 6 майда ратификация қилди.

Халқаро шартномаларни тузишдан асосий мақсад бир давлат фуқаросининг иккинчи давлат ҳудудида мулкӣ ва шахсий ҳуқуқлари тан олиншини ва муҳофаза қилиншини таъминлашдан иборат. Шартномалар тузишда ҳар бир давлатнинг тенг ҳуқуқлиги ва мустақиллигини ҳурмат қилиш тамойилига амал қилинади. Шартномаларда адлия идоралари ўртасидаги ҳамкорлик, давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд органларининг ваколатларини ва ҳуқуқни

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995й., 12-сон, 262-м.

тадбиқ қилишни белгилаш, чет эл фуқароларининг процессуал ҳуқуқларини белгилаш, ҳуқуқий ёрдам бериш ҳақидаги топшириқни бажариш, фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича қабул қилинган қарорларни тан олиш ва ижро этишни таъминлаш, ҳужжатларни қабул қилиш ва жўнатиш, жиноятчини топшириш ва жиноий ишлар бўйича керак бўлган бошқа ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби масалалар бўйича вужудга келадиган муносабатлар тартибга солинади.

Иккитомонлама халқаро шартномалар билан бир қаторда Ўзбекистон халқаро аҳамиятга эга бўлган кўптомонлама шартномалар, Конвенцияларга қўшилди ва уларни ратификация қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган қарори билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг раҳбарлари 1992 йил октябрда Бишкек шаҳрида имзолаган Депортация қилинган шахслар, кам сонли миллатлар ва халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масалаларга доир Битим ратификация қилинди. Ушбу битим билан боғлиқ равишда шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон Конституция сининг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда яшовчи барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Иқтисодий масалаларни ҳал қилишга бағишланган халқаро шартномалар алоҳида аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон томонидан МДҲга аъзо бўлган бошқа давлатлар билан иккитомонлама ва кўптомонлама шартномалар тузилди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил 29 декабрдаги қарори билан 1993 йил 24 сентябрда Москва шаҳрида имзоланган Иқтисодий иттифоқ тузиш ҳақидаги Шартномани ратификация қилди. Олий Кенгаш ўша санадаги қарори билан 1993 йил 24 сентябрда Москва шаҳрида имзоланган Давлатлараро Евросиё кўмир ва металл бирлашмасини тузиш тўғрисида Битимни ратификация қилди. Ўзбекистон Республикаси томонидан 1994 йил 6 майда Ашхабат шаҳрида 1993 йил 23 декабрда имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар корхоналари ва тармоқларининг ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг умумий шарт-шароитлари ва тартиби тўғрисидаги Битим ратификация қилинди. 1993 йил 24 декабрда Ашхабат шаҳрида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудида аҳолини ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битим Ўзбекистон Республикаси томонидан 1994 йил 6 майда ратификация қилинди. 1994 йил 10 январда Тошкент шаҳрида ва 1994 йил 16 январда Бишкек шаҳрида имзоланган Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисидаги Шартнома 1994 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинди. 1994 йил 2 мартда Москва шаҳрида имзоланган Даромадлар ва мулкка иккиёклама солиқ солмаслик тўғрисида Ўзбекистон Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасидаги

Битим 1994 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан ратификация қилинди. Ушбу битим халқаро хусусий ҳуқуқ нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этади

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбалари ичида савдо шартномалари алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу шартномаларда Ўзбекистон учун бошқа давлатлар билан савдо шартномаларини тузишда фойдаланиш учун зарур бўлган умумий қоидалар назарда тутилади. Ушбу шартномалар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати белгиланади, савдо арбитражига тааллуқли масалалар бўйича қоидалар назарда тутилади. 1994 йил 15 апрелда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги томонидан Эркин савдо зоналари ташкил қилиш тўғрисида Битим ва унинг Протоколи (1994 йил 2 апрел) маъқулланди. МДҲ ташкил қилингандан буён унинг иштирокчилари томонидан бир қанча шартномалар, битимлар тузилди, улар савдо ва иқтисодий соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш, давлат чегаралари ва денгиз иқтисодий зоналарини муҳофаза қилиш ва бошқа иқтисодий масалаларга бағишланади.

Халқаро савдо масалаларига оид алоҳида конвенциялар қаторига биринчи галда кўчар моддий ашёларнинг халқаро олди-сотдисида нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1995 йилдаги Гаага Конвенцияси; Халқаро товарлар савдосида мулк ҳуқуқининг ўтишига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1958 йил Гаага Конвенцияси ва Халқаро олди-сотдига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1986 йил Гаага Конвенцияси ва бошқалар киради. Бир хил мазмундаги коллизиялар характерга эга бўлган нормалардан ташкил топган ушбу конвенциялардан фарқли ўлароқ, 1964 йилда Гаагада товарларни халқаро олди-сотдиси тўғрисида бир хил мазмунга эга бўлган Қонун қабул қилиш ҳақида Конвенция тузилган эди. Ушбу конвенция амалда кенг қўламда қўлланилмади ва унинг ўрнига 1980 йили Венада товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Конвенцияси имзоланди. Ушбу Конвенция 1988 йил 1 январдан амалга киритилди. 1974 йилда Нью-Йоркда товарларнинг халқаро олди-сотдиси бўйича даъво муддати тўғрисида Конвенция тузилди ва унга нисбатан 1980 йилда Қўшимча протокол қабул қилинди. Ўзбекистон ушбу Конвенцияни 1996 йил 30 августда ратификация қилди. Ушбу протоколга асосан 1974 йилдаги Конвенциянинг айрим қоидалари товарларни халқаро олди-сотдиси шартномалари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси билан мувофиқлаштирилди. 1983 йилда Женевада бўлиб ўтган конференцияда товарларни халқаро олди-сотдисини бошқариш бўйича ваколатхона ташкил қилиш ҳақида Конвенция тузилди, 1988 йили эса Оттавада халқаро молиявий лизинг тўғрисида Конвенция тузилди. Ўзбекистон уни 2000 йил 26 майда ратификация қилди.

Ўзбекистон чет эл инвестицияларига доир Конвенцияларда катнашади. Давлатлар ва чет эл шахслари ўртасидаги инвестицияларга оид низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Конвенция Вашингтонда биринчи марта 1965 йилда тузилган эди. 1992 йилда Сеулда чет эл инвестицияларининг суғуртаси бўйича халқаро агентлик ташкил қилиш тўғрисида Конвенция тузилди.

Ўзбекистон иккала Конвенцияни 1994 йилда ратификация қилди. Ўзбекистон 1994 йил 17 мартда Вашингтон шаҳрида имзоланган инвестицияларга оид низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан ашёвий ҳуқуқлар ҳам ҳимоя қилинади, бу ҳақда Ўзбекистон тегишли конвенцияларни ратификация қилишда қатнашди. Масалан: 1995 йил 22 декабрда Олий Мажлиснинг қарори билан 1970 йилда имзоланган Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб кетиш, олиб келиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгача беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги Конвенция ратификация қилинди; 1972 йилда имзоланган Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция 1995 йил 22 декабрда ратификация қилинди. Ушбу Конвенцияда назарда тутилган маданий бойликларни халқаро миқёсда ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 163-моддасининг 6-қисмида қуйидаги тахрирда ўз аксини топди: "мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди".

Транспорт воситалари орқали халқаро юк ва йўловчилар ташиш тўғрисида тузилган шартномалар ва қабул қилинган конвенциялар халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари сафида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳаво йўллари билан юк ташишга оид айрим қоидаларни бирхиллаштириш учун 1929 йили Варшавада имзоланган ва 1955 йил Гаагада унга киритилган аниқликлар ҳақида имзоланган Конвенцияга қўшилиш ҳақида 1995 йил 6 майда қарор қабул қилди. Темир йўл масалаларини тартибга солиш Берн халқаро конвенциялари орқали амалга оширилади. Юклар, йўловчилар ва багажларни темир йўл орқали ташишга оид Берн конвенцияларидаги қоидалар 1980 йили умумийлаштирилиб, янги тахрирда Ягона Келишув қабул қилинди ва у 1985 йил 1 майдан амалга киритилди. Автомобил транспортида халқаро миқёсда юклар ташиш масалалари 1956 йилдаги юкларни халқаро автомобил транспортида ташиш тўғрисидаги Женева конвенцияси билан тартибга солинади. Юкларни халқаро турли транспорт воситаларида ташиш тўғрисида 1980 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияси қабул қилинди. Транспорт воситалари ёрдамида юк ва йўловчиларни ташиш турли давлатлар ҳудуди орқали амалга оширилиши мумкин. Шу масала ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон 1995 йил 22 декабрда Қитъа ичкарисидаги давлатларнинг транзит савдоси тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаи сифатида Гаага конвенцияларидан 11 туркуми оила ҳуқуқига тааллуқли. Булар жумласига: Никоҳни эътироф этиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги 1978 йил Конвенцияси; эр-хотиннинг мол-мулкига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисида 1978 йил Конвенцияси; Никоҳ бекор қилинганлигини тан олиш ва эр-хотинни суд тартибида ажратиш тўғрисидаги 1970 йил Конвенцияси; болаларга

бериладиган алимент мажбуриятлари бўйича қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисида 1956 йил Конвенцияси; болаларга бериладиган алимент мажбуриятлари ҳақида қабул қилинган қарорларни тан олиш ва ижро этиш тўғрисида 1958 йил Конвенцияси ва шунга ўхшаш бошқа халқаро конвенциялар киради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида эълон қилинган тамойилларга мувофиқ, жамият барча аъзоларининг кадр-қимматини, тенг ва дахлсиз ҳуқуқларини эътироф этиш инсон эркинликларини таъминлашнинг асоси эканлигини эътиборга олиб, шунингдек болалар алоҳида ғамхурлик ва ҳимоя ҳуқуқига эга эканлигини тан олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасига амал қилинган ҳолда 1992 йил 9 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди. Ушбу Конвенцияга асосан бола ҳуқуқи ва унинг манфаатлари унинг қайси давлат фуқаролигига мансуб бўлишидан ва қайси давлат ҳудудида истиқомат қилишидан қатъи назар баб-баравар ҳимоя қилинади ва тегишли кафолатлар билан таъминланади.

Ўзбекистон Оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги 1919 йили Женевада қабул қилинган ва 1952 йили қайтадан кўриб чиқилган 103-сонли Конвенцияга 1995 йил 6 майда қўшилди. Ўзбекистонда 2001 йилнинг оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши ва шу туфайли Ўзбекистон Ҳукумати томонидан тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши учун дастурлар қабул қилиниши Женева конвенциясида кўзда тутилган вазифаларнинг амалий ифодасидир. Оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида ҳар томонлама мукамал ечимини топган. Кодекснинг "Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш" тўғрисидаги VIII бўлими халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаси учун бевосита манба деб ҳисобланиши мумкин.

Интеллектуал мулк масалаларига бағишланган халқаро шартномалар алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида интеллектуал мулк соҳасидаги бир неча халқаро жамиятларга, иттифоқларга аъзо бўлди, конвенцияларни ратификация қилди, битимларга қўшилди, шартномалар тузди. Ўзбекистон Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этувчи Конвенциянинг иштирокчиси, Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича 1883 йилдаги Париж Конвенциясининг қатнашчиси, Патент кооперацияси тўғрисидаги 1977 йилдаги Париж шартномасининг иштирокчиси, Товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги 1891 йил (1976 йил) Мадрид Келишувининг, Маҳсулот ишлаб чиқарилган жойнинг номини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Лиссабон кенгашининг, Саноат намуналарини депонент қилиш бўйича Гаага келишувининг ва шунга ўхшаш қатор халқаро шартнома ва конвенцияларнинг иштирокчисидир.

1993 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Интеллектуал мулкнинг Бутунжаҳон ташкилоти (ВОИС)ни ташкил қилиш бўйича Париж конвенциясига ва Патент кооперацияси (РСТ) тўғрисидаги Декларацияга имзо чекди. 1993 йил 18 августда ВОИС Ўзбекистон Республикасининг ушбу

конвенцияларга қўшилганлигини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси савдо маркаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид Келишувининг ҳам аъзоси ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)га кирган давлатлар ҳудудида интеллектуал мулк соҳасида рўй бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон махсус битимга қўшилди ва саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги давлатлар: Россия Федерацияси (1995 й. 27 июн), Грузия (1996 й. 28 май), Қирғизистон Республикаси (1996 й. 24 декабр), Қозоғистон Республикаси (1997 й. 2 июн), Озарбайжон Республикаси (1997 й. 18 июн), шунингдек интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида, Украина (1998 й. 19 феврал) ва Туркия Республикаси (1998 й. 13 апрел) билан иккитомонлама шартномалар тузди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида (ФКнинг 1177-моддаси), "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонунда (42-моддада), "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номи тўғрисида"ги Қонунда (35-модда), "Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар тўпламини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда (9-модда), "Селекция ютуқлари"тўғрисидаги Қонунда (2-модда) миллий тартиб тўғрисидаги махсус қоидалар назарда тутилади.

Халқаро шартномалар юзасидан вужудга келган низоларнинг судга тааллуқлиги, суд қарорларининг бажарилиши бўйича халқаро битимлар ва конвенциялар мавжуд. Бунга Европа иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг низоларнинг судга тааллуқлиги ва суд қарорларини ижро этиш бўйича 1968 йил ва 1979 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Брюссель Конвенциясини мисол келтириш мумкин. Европа эркин савдо ассоциациясига кирган Европа давлатлари 1980 йилда Лугано шаҳрида фуқаролик ва савдо масалалари бўйича ишларнинг судга тааллуқлиги ва суд қарорларини ижро этиш тўғрисида шартнома туздилар. 1954 йил 1 мартда Гаагада Фуқаролик процесси масалаларига доир Конвенция имзоланди. Ўзбекистон ушбу Конвенцияга 1995 йил 22 декабрда қўшилди. 1958 йил 10 июнда Нью-Йоркда Чет эл мамлакатлари арбитраж қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги Конвенция имзоланди. Ўзбекистон ушбу конвенцияга 1995 йил 22 декабрда қўшилди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар юзасидан вужудга келадиган баъзи масалаларни ҳал қилиш турли давлатлардаги консуллик муассасалари ваколатига тааллуқли ҳисобланади. Мустақилликка эришгач Ўзбекистон бошқа давлатлар билан бевосита алоқада бўлиш ва улар билан шартномалар тузиш, ушбу давлатларда ўзининг дипломатик ва консуллик ташкилотларини тузиш имкониятига эга бўлди. Шу ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон 1994 йил 6 майда қуйидаги Конвенцияларга қўшилди:

1. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена Конвенциясига;
2. Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенциясига.

Ҳозирги даврда халқаро хусусий ҳуқуқ қоидаларини кодификация қилишда, турли халқаро шартномаларнинг лойиҳаларини тайёрлашда

халқаро ташкилотларнинг ташаббус кўрсатиши тобора ошиб бормоқда. 1966 йилда халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТнинг махсус органи сифатида Комиссия (ЮНСИТРАЛ) ташкил қилинди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 17 декабрдаги қарорига мувофиқ Комиссиянинг вазифаси халқаро савдо қоидаларини бирхиллаштириш ва бир бирига мувофиқлаштиришга ёрдам беришдан иборат. Комиссиянинг вазифаси, масалан, янги халқаро конвенцияларни, халқаро савдо ҳуқуқи соҳасида намунавий ва мазмун жиҳатдан бир-бирига ўхшаш қонунларни тайёрлашга, халқаро савдо одатларини кодификация қилишга ёрдамлашишдан иборат бўлиб, бу соҳадаги ахборотлар, маълумотларни тўплаш ва уларни тарғиб қилишга қаратилган бўлиши назарда тутилади. Комиссия биринчи галда қуйидаги: товарларнинг халқаро олди-сотдиси, халқаро ҳисоб-китоблар, тижорат арбитражи каби мавзуларга эътибор берди. Тайёрланган лойиҳалар асосида қуйидаги конвенциялар қабул қилинди: Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги БМТнинг Конвенцияси; товарларнинг халқаро олди-сотдисида даъво муддатлари тўғрисидаги Конвенция; юкларни денгиз орқали ташиш бўйича БМТнинг Конвенцияси; ЮНСИТРАЛнинг Арбитраж регламенти, ЮНСИТРАЛнинг (Примирительный) Яраштириш регламенти ва бошқалар. 1985 йилда халқаро савдо арбитражи тўғрисида қонун, 1988 йилда халқаро ўтказма (переводный) ва халқаро оддий вексел тўғрисида Конвенция қабул қилинди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли конвенцияларни тайёрлашда халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича фаолият кўрсатувчи Гаага конференцияси ҳам шуғулланади. Ушбу конференциянинг биринчи сессияси таниқли Голландиялик юрист Т.М. Ассера ташаббуси билан Нидерландия ҳукумати томонидан 1893 йилда Гаагада ўтказилган эди. Унинг навбатдан ташқари ўтказилган иккинчи сессиясида халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига оид бирнеча лойиҳалар қабул қилинди. 1951 йилда Гаага конференциясининг доимий ҳуқуқий мақоми қабул қилин ди ва у 1955 йилдан бошлаб амалга киритилди. Конференция сессияси умумий қоидага биноан тўрт йилда бир марта ўтказиладиган бўлди. Сессияларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳукумат томонидан тузилган махсус комиссия, Конференциянинг доимий бюроси томонидан амалга оширилади. 1950 йиллардан бошлаб Конференция томонидан қабул қилинган кўзга кўринарли конвенциялар қуйидагилардан иборат: Фуқаролик процессуал масалалари бўйича 1954 йилдаги Конвенция; Фуқаролик ва савдо ишлари бўйича чет элда суд ва суддан ташқари берилган ҳужжатлар тўғрисидаги 1965 йилдаги Конвенция; Фуқаролик ва савдо ишлари бўйича чет элда исботловчи далиллар тўплаш тўғрисида 1970 йилдаги Конвенция; Адолатли суд процессида чет элда қатнашишни асослантириш тўғрисидаги 1980 йилдаги Конвенция ва бошқалар.

Америка қитъаси мамлакатлари 1975 йилдан бошлаб ҳар уч йилда халқаро хусусий ҳуқуққа бағишланган конференциялар ўтказиб туради. 1975 йилда Панамада биринчи конференцияда олтита конвенция, 1979 йилда Монтевидеода иккинчи конференцияда халқаро хусусий ҳуқуқнинг турли масалалари бўйича етти конвенция қабул қилинди. 1984 йили Ла-Пасадаги

конференцияда қуйидаги тўртта конвенция қабул қилинди: халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати; вояга етмаганларни фарзандликка олиш бўйича коллизия нормалар; чет эл суд қарорларининг юридик аҳамияти ва уларнинг қўлланиш доираси; чет элда исботловчи далиллар тўплаш тўғрисида Америка давлатлари ўртасидаги конвенцияга киритилдиган қўшимча протокол. 1989 йилда Монтевидеодаги конференцияда қуйидаги учта: шахсларни моддий таъминлаш мажбурияти тўғрисида; вояга етмаганларни бошқа мамлакатлардан қайтариб олиш тўғрисида; юкларни автотранспортда халқаро ташиш тўғрисида конвенциялар қабул қилинди.

1962 йилда Либревилда саноат мулки бўйича Африка-Малагасий бошқармаси ташкил қилиш бўйича битим имзоланди. Битимда ихтироларни, товар белгиларини ва саноат намуналарини рўйхатдан ўтказиш учун ягона нормаларни жорий қилиш назарда тутилди. Ушбу келишув қайтадан кўриб чиқилди ва унга 1977 йил қўшимчалар киритилди. Шунга ўхшаш битимлар 1978 йили бошқа Африка давлатлари ўртасида ҳам тузилди. Ҳуқуқий ёрдам ва исботловчи далиллар бўйича иккитомонлама битимлар тузиш учун Афро-Осиё ҳуқуқий маслаҳат қўмитаси битимнинг Намунавий нусхасини қабул қилди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги минтақавий аҳамиятга эга бўлган конвенциялар ичида Бустаманте кодекси алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу кодекс уни тузган таниқли Куба юристи исми билан аталади. 437 моддадан иборат бўлган ушбу кодекс халқаро хусусий ҳуқуқ масалалари бўйича ҳар томонлама мукамал ишланган халқаро шартнома ҳисобланади. Кодекс 1928 йилда VI Панамерика конференциясида қабул қилинди, 15 та Марказий ва Жанубий Америка мамлакатлари томонидан ратификация қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ўтган давр мобайнида халқаро аҳамиятга молик бўлган кўплаб қонун ва норматив меъёрий ҳужжатлар қабул қилдики, уларнинг барчаси ҳозирги кунда мамлакатда истиқомат қилувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш билан бир қаторда уларнинг чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда иштирок этишида вужудга келиши мумкин бўлган низоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқд